

Наргиза Анорбаевна ГАЙИБОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Дин психологияси ва педагогика
кафедраси катта ўқитувчиси,
психология фанлари бўйича PhD
ms.gayibova@mail.ru

ЎСМИРНИНГ ГУРУХДАГИ СОЦИАЛ СТАТУСИГА ОИЛАДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

ВЛИЯНИЕ СЕМЕЙНЫХ ОТНОШЕНИЙ НА СОЦИАЛЬНЫЙ СТАТУС ПОДРОСТКА В ГРУППЕ

THE INFLUENCE OF FAMILY RELATIONSHIPS ON THE SOCIAL STATUS OF A TEEN IN A GROUP

Аннотация: Мақола оиладаги муносабатларнинг, жумладан сиблинг муносабатларининг ўсмирнинг гуруҳдаги статусига таъсири масаласига қаратилган бўлиб, унда ўсмир шаклланишида сиблинг мақомини таъсирини ўрганиш борасидаги тадқиқот натижалари келтирилган ҳамда сиблинг мақомининг шахс тараққиётига роли борасидаги хориж олимларинг фикрлари баён қилинган.

Таянч иборалар: ўсмир, гуруҳ, оила, социал статус, сиблинг мақом, социометрия, шахслараро муносабатлар

Аннотация: В статье рассматривается влияние семейных отношений, включая отношения сиблингов на статус подростка в группе и в нем представлены результаты исследования влияния сиблингового статуса на формирование подростков, а также взгляды зарубежных ученых о роле сиблингового статуса в развитии личности.

Опорные слова: подросток, группа, семья, социальный статус, сиблинговый статус, социометрия, межличностные отношения

Abstract: The article examines the influence of family relations, including the relationship of siblings on the status of a teenager in a group and presents the results of a study of the influence of sibling status on the formation of adolescents, as well as the views of foreign scientists on the role of sibling status in personality development.

Basic concepts: teenager, a group, family, sibling title, sibling relationships, sociometry, interpersonal relationships.

Мамлакатимизда оила ва унинг мустахкамлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустахкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорга мувофиқ, концепциянинг асосий йўналишлари сифатида оиланинг тарбиявий-таълимий салоҳиятини мустахкамлаш, жамиятда анъанавий оилавий қадриятларни сақлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш масалалари белгиланган [1]. Мазкур ҳужжатда оилаларда шахсий муносабатларни яхшилаш алоҳида вазифа сифатида кўрсатилган. Зеро, оиладаги муносабатлар характери боланинг оиладан ташқаридаги, хусусан гуруҳдаги тенгдошлари билан бўладиган муносабатларида бевосита ўз аксини топади.

Аждодларимиз ҳам узоқ ўтмишдан ота-она ва фарзанд муносабатларидан кейинги ўринда, ака-ука ва опа-сингиллик муносабатларига алоҳида эътибор бериб келган. Ўзбек халқи – болажон халқлиги боис, бугунги кунда ҳам оилада камида 2-3 фарзанднинг бўлиши, улар ўртасида ўзига хос муносабатларнинг бўлиши табиий ҳисобланади [4:138].

Демак, оиладаги муҳит, ундаги шахслараро муносабатлар, яъни боланинг ота-онаси, сиблинглар: ака-ука, опа-сингиллари билан алоқалари унинг шаклланиши ва келажагини белгилашда асосий омил саналади. Хорижий давлатларда ўтказилган кўпгина тадқиқотларда келтирилишича, турли сиблинг мақомига эга бўлган кишилар шахслараро муносабатларда ўзини турлича намоён қилар экан. Жумладан, Массачусетс технологик институти ҳамда Флорида университети тадқиқотчилари томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, минглаб сиблинглар хулқи ўрганилиб, ҳуқуқбузарликка мойиллиги ва мактабда муаммолари бўлган болаларнинг 20-40%и оилада иккинчи ўғил фарзанд экани аниқланган. Олиб борилган бошқа тадқиқотларда боланинг ҳуқуқбузарликларни содир этиши, жиноятчилик оламига кириб қолишига сиблингларининг аҳамиятли таъсири борлиги қайд қилинган [9:4].

Бола шахсининг шаклланиши ва ривожланиши унинг оилада нечанчи фарзанд экани, оиласида ака-ука ва опа-сингилларнинг борлиги, туғруқлар орасидаги расмий фарқларга боғлиқлиги ғоясини илгари сурган

олимлар А.Адлер ва З.Фрейд ҳисобланади. Улар боланинг сиблинг (инглизча sibling, sibs – бир оиладаги ака-укалар ва опа-сингиллар) мақоми унинг шахсига, кишилар билан муносабатларининг характерига, умуман олганда, келгуси ҳаётда ўз ўрнини топишига таъсир қилишини таъкидлаганлар [3:237-238].

А.Адлер фикрича, оила боланинг илк ижтимоий муҳитидир ва у шу муҳитда ўз ўрнини топиш учун ҳаракат қилади. Ҳар бир бола аввало, оилада сўнгра эса жамиятда инсонларга боғлиқ, керакли ва севимли бўлишни истади. Оилада боланинг ўз ўрнини қандай идрок қилиши, унинг ўзига ва бошқаларга баҳо беришига ёрдам беради. Бу баҳо эса унинг ижтимоий кўрсатмасига ёки турмуш тарзига бирлашиб, унинг ҳаёт йўлини белгилашида муҳим аҳамиятга эгадир, деб ҳисоблади Адлер. У сиблинг мақомининг асосий тўрт турини фарқлайди: биринчи фарзанд (тўнғич), ўртанча фарзанд, кичик фарзанд (кенжа) ва ягона фарзанд. А.Адлер 1920 йиллардаёқ ўз изланишларидан келиб чиқиб, ёлғиз фарзандлар шахслараро муносабатларда қийинчиликларга дуч келишлари мумкин, деган хулосага келган эди [2:13-26.].

А.Тессер сиблинглар муносабатларидаги келишмовчиликлар сабабини шахснинг ўзига нисбатан баҳосини сақлаш механизми билан боғлаб ўрганган. Тессернинг фикрича, ука томонидан аканинг омадлироқ, қобилятлироқ, деб идрок этилиши, унинг ҳаракатларида нима қилиб бўлса ҳам ўзига нисбатан ҳурматни сақлаб қолиш мотивациясининг кучайишига сабабчи бўлади. Агар ука ёки сингилларнинг муваффақиятли одимлари оилада эътироф этилаверса, бу ака ёки опанинг уларга нисбатан низоли муносабатлар шаклланишига туртки беради. Тадқиқотлар натижасига кўра, қобилятлар нуқтаи назаридан кескин бир-биридан фарқ қиладиган ака-укалар ўртасида ўзаро келишмовчиликлар даражаси юқори эканлиги аниқланган. Қобилятлари бир хил даражада бўлган ака-укалар эса, ўзаро муносабатлардаги айрим жуъзий келишмовчиликларнигина эслай олар эканлар, холос. Аниқланишича, оилада ўсмир ёшли ўғил болалар ва акалари ўртасидаги келишмовчиликнинг бош сабаби, бу оила катталарининг фарзандларга адолатсизларча муносабатлари таъсирида, ўсмирнинг ўз

имконияти ҳамда оиладаги ижтимоий мавқеи аканикидан паст, деб идрок этишидадир [6:220].

Шунингдек, У.Тоумен, Р.Ричордсон, Р.Дрисколл, Д.Икстейн, Р.Бразингтон, Р.Зайонц, Ф.Гальтон, С.Шахтер, Г.Хоментаскас, Т.Думитрашку каби олимлар ҳам оиладаги шахслараро муносабатлар жумласидан, сиблинг мақоми ва унинг шахс шаклланишига таъсирини ўз маданий муҳити шароитида ўрганганлар [7:104].


Юқорида келтирилган фикрлардан хулоса қилган ҳолда, оилада ўсмирнинг мавқеи унинг шахслараро муносабатларига ўз таъсирини кўрсатар экан, бу омилни илмий жиҳатдан маҳаллий шароитларда ўрганиб, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш зарурати бугунги кунда масаланинг долзарблигидан далолат беради. Чунки, ўсмирлик даврида тенгдошлар билан мулоқот етакчи фаолият саналиб, улар билан тенглик асосида қилинган муомала-муносабатлар асосида ўсмир ўзига хос ижтимоий муносабатлар мактабини ўтайди. Бу даврда эгалланган тажриба мустақил ҳаётга қадам қўйишда жуда аҳамиятли ҳисобланади. Катта ўсмирлик ёшига келиб, бола учун дўст ота-она ва оиласининг бошқа аъзоларидан ҳам аҳамиятли бўлиб қолади [6:377].

Биз тадқиқот ишимизда ўсмирлар сиблинг мақомининг ижтимоий-психологик хусусиятларини ҳамда оиласи ҳақидаги маълумотларни ўрганиш учун махсус тузилган ижтимоий-психологик сўровнома (ИПС), Э.Г.Эйдемиллернинг “Оила социограммаси” проектив методикаси ҳамда Ж.Морено томонидан таклиф қилинган гуруҳдаги шахслараро муносабатларни ўрганишга қаратилган “Социометрия” методикасидан фойдаландик.

Тадқиқотимиз мақсадидан келиб чиқиб, яъни турли сиблинг мақомидаги ўсмирларнинг гуруҳдаги статусини билиш учун Ж.Морено таклиф этган социометрик методдан фойдаланган ҳолда социометрик тадбирни амалга оширдик. Маълумки, ўқувчининг социометрик статуси танланган мезонларга қараб турлича бўлиши мумкин. Уни аниқлашнинг турли формулалари ва изоҳловчи махсус терминлар мавжуд. Биз тадқиқот ишимизда рус психологи Я.Л.Коломинский томонидан келтирилган услубдан фойдаландик. Унга кўра, биз статусларни қуйидагича

гурухладик: I гурух - “Юлдузлар” гурухига 6 ва ундан кўп танлов олган ўқувчиларни, II гурух - “Ёкимтойлар” гурухига эса 3-5 та танлов олган ўқувчиларни киритдик. 1-2 танлов олган ўқувчилар “Қабул қилинмаганлар”, яъни III гурухни ташкил қилишди. IV гурухга эса умуман танлов олмаганларни - “Яккаланиб қолганлар”ни киритдик [5:194].

Функционал лидерликни аниқлаш мезони бўйича умумлаштирилган натижалар. (% да)



Таъкидлаш жоизки, гарчанд кенжа фарзандлар ижтимоий-психологик сўровномада муҳим ишларни ҳал қилишда кўпинча ташаббусни ўз қўлларига олишни ёқтирмасликларини билдирган бўлсалар-да, “Юлдузлар” гуруҳида ҳам, “Ёкимтойлар” гуруҳида ҳам улар бошқа сиблинг мақомидагиларга нисбатан кўп фоида ташкил этди.

Бизнинг фикримизча, оилада кенжа фарзандлар устидан “хўжайинлар” бошқа сиблинг мақомидагиларга нисбатан кўпроқлиги, аммо шу билан бирга ота-оналарнинг, катталарнинг кенжа фарзандларга сабрли муносабатда бўлиши уларда кишилар билан муносабатда эҳтиёткор, кечиримли муомала қилиш, муомалада синчковлик малакаларини ривожлантирган. Чунки бу саволга ўсмирлар гуруҳ учун жонкуяр, кўпчиликка эътиборли бўла оладиган сифатли тенгдошини танлашади.

Бунда албатта, бола тарбия топаётган оиланинг маънавий, ижтимоий ва иқтисодий аҳволи, ота-оналарнинг маълумотлилиқ даражаси ва уларнинг фарзандларга муносабатлари каби омиллар ҳам муҳим рол ўйнайди.

“Яккаланиб қолганлар” гуруҳида ёлғиз фарзандлар бошқа сиблинг мақомидагиларга нисбатан кўп бўлиб чиқди. Бизнингча, ёлғиз фарзанд сиблинглар муносабатидан холи бўлганлиги учун ҳам ҳеч қачон ота-она

муҳаббати учун “кураш” олиб бормаган, оилада уларнинг барча айтганлари кўп ҳолларда катта қаршиликларсиз амалга оширилган. Шу сабаб, улар кишилар кайфиятидаги ўзгаришлар ва ҳис-туйғуларни кўпинча тўлиқ идрок эта олмайдилар. Бу қийинчиликлар уларнинг кишилар жамоасидан кўра кўпроқ ёлғизликка интилишларига олиб келади. Шунингдек, ёлғиз фарзандлар бошқа сиблинг мақомидагиларга нисбатан кишилар мулоқатидан холи, ёлғиз қолишни хуш кўришларини аниқланди. Уларнинг сиблинг муносабатларга эга эмаслиги ҳам, ўртоқлари билан муносабатларида коммуникатив сифатларни намоён эта олмасликларига, тенгдошлари билан келишиб, мурасали, ишончли муносабат ўрнатишларига монелик қилган бўлса, эҳтимол. Шу ўринда келтириб ўтиш жоизки, олим У.Тоуменнинг фикрича, сиблинглар бир-бирларига тенгдошлар билан мустаҳкам дўстона муносабатда бўлишни ўргатишар экан [6:24].

Демак, оилада сиблингларнинг мавжудлиги ва улар ўртасида ўрнатилган муносабатлар боланинг оиладан ташқаридаги, жумладан, унинг тенгдошлари билан муносабатларига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Ўсмирнинг тенгдошлари орасидаги нуфузига оиладаги мавқеининг таъсирини ўрганиш мақсадида биз Э.Г.Эйдемиллер томонидан таклиф этилган “Оила социограммаси” проектив методикасидан фойдаландик. Бу методика расмий проектив методикалар сирасига кириб, оиладаги шахслараро муносабатлар тизимида субъектнинг ўрни ва оиладаги коммуникациянинг қай даражада эканлигини кўрсатиб беради [8:49].

Социометрик тадқиқотда танлов олмаган ўсмирларнинг 60%и “Оила социограммаси” проектив методикасида ўзларини чизишни унутиб қолдирганлар. Аксарият тўнғич фарзандлар ўзларини барча оила аъзоларидан қуйида ёки чеккада жойлаштирганликлари, уларнинг ўзларини оилада рад этилгандек ҳис қилишларини билдиради. Бунга сабаб, айрим ота-оналарнинг тўнғич фарзандга бошқа фарзандларга нисбатан талабчанлик ва кўпол муносабатда бўлишларида дейиш мумкин. Тенгдошлари томонидан танланмаган ўсмирларнинг аксарияти, айнан тўнғич қиз болалардир. Улар расмларида ўзидан олдинга, ота-онаси доирасининг яқинига укасининг доирасини каттароқ қилиб тасвирлаганларига

гувоҳ бўлдик. Бу уларнинг оилада ўзларини инкор этилгандек ҳис қилишларини билдиради. Оилада ўз ўрнини топа олмаган ўсмир, гуруҳда ҳам тенгдошлари томонидан тан олинмаган. Натижалар таҳлилига кўра, оиладаги сиблинг муносабатларни ижобий баҳолаган ўсмирларнинг гуруҳдаги социометрик нуфузи ҳам юқори даражада экан. Бу фарзанднинг оиладаги мавқеининг тенгдошлари гуруҳидаги мавқеига бевосита таъсири борлигини кўрсатиб турибди. Оиладаги ижобий эмоционал муносабатларнинг танқислиги натижасида “яккаланиб қолган” ўсмирларнинг аксарияти таълим тизимида ҳам ўзлаштирмовчи ўқувчилар каторига тушиб қолганлар.

Тадқиқот ишимизда махсус ишлаб чиқилган ижтимоий психологик сўровнома натижалари математик статистик мезонлар орқали таҳлил қилинганда, ўсмирнинг ўртоқларига муносабати оилада сиблинглар муносабати билан ижобий корреляцион боғланиш ($r=0.191^{**}$, $p<0.01$) ҳосил қилди. Бу ўсмирнинг оиласидаги фарзандлар ўзаро муносабатларининг қандай характерда бўлиши ўртоқлари билан бўладиган муносабатларида акс этишини билдиради.

Натижаларга кўра, сиблинглар ўзаро муносабатлари жинс билан корреляцион боғланишда ($r=0.209^{**}$, $p<0.01$) бўлиб, бу тортишувга мойиллик ҳолати қизларда ўғил болаларга нисбатан устунроқлигини кўрсатади. Тадқиқотда иштирок этган ўғил болалар сиблинг муносабатларни кўпроқ ижобий баҳолашган.

Шунингдек, оиладаги сиблингларнинг ўзаро муносабатлари сиблинг мақоми билан тесқари корреляцион боғланиш ҳосил қилди ($r=-0.128$; $p\leq 0.05$). Бу синалувчиларнинг туғилишдаги тартиб сонига қараб (кенжа, ўртанча, тўнғич) ака-ука ва опа-сингиллари билан муносабатлари кескинлашиб бораверишини кўрсатади. Оиладаги катта фарзандларнинг кичикларга мажбуран ота-она тазйиқи остида (“сен каттасан-ку” каби иборалар орқали) ён босиши сиблинглик муносабатларида норозилик келтириб чиқарган бўлиши мумкин. Агар кенжа фарзандларнинг оиладаги сиблинг муносабатларни бошқа сиблинг мақомидаги ўсмирларга нисбатан кўп фоизда ижобий баҳолаганликларини ҳисобга олсак, оилада сиблинглар муносабатлари ижобий бўлган ўсмирларнинг тенгдошлари даврасида ҳам муносабатлари ижобий ҳамда нуфузи юқори бўлади, деган хулоса қилиш мумкин.

Юқоридаги натижалардан шуни хулоса қилиш мумкинки, ўсмирнинг оиладаги мавқеи, сиблинг мақоми, оиласидаги шахслараро муносабатлар характери, фарзандга унинг сиблинг мавқеидан келиб чиқиб муомала қилиш унинг гуруҳдаги статусига, тенгдошлари орасидаги нуфузига ва улар билан бўладиган шахслараро муносабатларига ўз таъсирини кўрсатади. Демак, оилада фарзандлар муносабатларини мувофиқлаштириш, улар ўртасида дўстона муносабатларни шакллантириш, умуман шахс сиблинг мақоми борасидаги муаммолар билан ота-оналарни таништириш ҳамда амалий психологик ёрдам бериш борасидаги ишларни такомиллаштириш даркор.

АДАБИЁТЛАР РҲЙХАТИ

1. “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. ПҚ-3808-сон. 2018 йил 27 июнь.
2. Адлер А. Понять природу человека. / Пер. Е. А. Цыпина –СПб. Академический аспект, 1997. – 256 с.
3. Карабанова О.А. Психология семейных отношений и основы семейного консультирования: Учебное пособие. – М.:Гардарики, 2005. – 320 с.
4. Каримова В. Оила психологияси: Педагогика олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Т.: Фан ва технология, 2008 – 152 б.
5. Жалилова С.Х., Ғайибова Н.А. Умумий психодиагностика.- Т.: Фан ва технология, 2018, – 260 б.
6. Психология человека от рождения до смерти. Психологический атлас человека/ под ред. А.А.Реана. – М.:АСТ; СПб.: прайм-ЕВРОЗНАК, 2010.–651 с.
7. Хоментаскас Г.Т. Семья глазами ребенка: Дети и психологические проблемы в семье/ Г. Хоментаскас. – Екатеринбург:Рама Паблишинг, 2010. 233,с. – (Серия «Авторитетные детские психологи»).
8. Эйдемиллер Э.Г., Добряков И.Б., Никольская И.М. Семейный диагноз и семейная психотерапия. Учебное пособие для врачей и психологов. – СПб.: Речь, 2003.– 336 с.
9. Abderhalden F. P., Evans S. Z. An Examination of Sibling Impact on Frequency and Type of Arrest Among Chronic Offenders, Actual Problems of Economics and Law, 2019, vol. 13, No. 1, pp. 1073–1091. DOI: <http://dx.doi.org/10.21202/1993-047X.13.2019.1.1073-1091>.